

ЕРЛАР МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОМИЛЛАРИ

**Авлақулов М. (ҚарМИИ),
Қурбонов И.У. (Аму Қашқ. ИТХБК ГМЭ бошлиғи)**

Республикаимиз ўзининг табиий-иқлим ва хўжалик шароитларига кўра юқори агроиқтисодий салоқиятга эга бўлган мамлакатлар қаторига киради. Аммо кейинги йилларда ерлар ҳосилдорлигининг пасайиши, мелиоратив фондларнинг эскириши ва шўрланган ерларнинг ошиши тенденциялари кузатилмоқда. Ерлар мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мелиорация ишларини ташкил қилиш ва молиялаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида ўтган йилнинг 29 октябрида Республикаимиз Президентининг «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3932-сонли Фармони қабул қилинди ва бу соҳада кенг ҳамровли ишлар бошлаб юборилди.

Ўзбекистон жанубий минтақаси ҳисобланган Қашқадрё вилоятининг жами майдони 2858 минг га бўлиб, шундан суғоришга яроқли ерлар майдони 1823 минг га.ни ташкил этади. Ҳозирги пайтда 497,7 минг га ерда суғорма деққончилик қилиб келинмоқда. Қарши чўлида қурилган суғориш тармоқлари қурилиш бошидан замонавий инженерлик тизими сифатида қурилди. Аммо ҚМК, Уल्याнов (ҳозирги Миришкор) каналлари ўзанининг маълум қисми ер ўзанли қилиб қурилганлиги туфайли фойдаланиш бошида бу каналлар ФИК нисбатан паст эди. Ҳозирги кунда ҚМК нинг ФИК 0,90 га тенг, Миришкор каналини эса 0,88 ни ташкил этади.

Хўжалик ва хўжалик ички каналлари тизимининг 8% узунлиги бетон қопламали, 66% темир-бетон лотоклар ва 26% ёпиқ қувурлар шаклида қурилган бўлиб, тизимнинг умумий ФИК 0,83 га тенг бўлган эди. Аммо ҳозирги кунда бу кўрсаткич 0,73-0,75 гача пасайди.

Суғориш сувининг шўрланиши 1970 дан 1975 йилгача жуда тез кўтарилиши (1,5 дан 2,6 г/л гача) коллектор-зовур сувларининг суғоришга ишлатиш туфайли юзага келди. Кейинги йилларда сув олиш ҳажмининг тартибга тушиши ва зовур сувларини ишлатиш кескин қисқариши туфайли суғориш сувининг шўрлиги 0,91-0,99 г/л гача камайди.

Қарши чўлини ўзлаштириш давомида зовурлар куриш ерларни ишга туширишдан анча орқада ҳолган эди. Яъни 1980 йилда зовур билан таъминланган майдон 72,2 минг га бўлса, 1985 йилда 251,5 мингга, яъни 57,9 % ни ташкил этди. Бу йилларда КДТ нинг солиштира узунлиги 11,91 дан 14,34 км/га ча етди. Аммо мавсумий суғориш меъёрининг ошиқчалиги ҳисобига зовур солиштира узунлиги кам бўлишига қарамасдан 1980 йилда 1676,6 млн.м³, 1985 йилда эса 2224,5 млн.м³, тегишлича зовур оқимининг солиштира катталиги 4,81 ва 5,13 минг м³/га бўлди. Шу йилларда зовур модулининг катталиги 0,15-0,16 п/с га, ўртача лойиқавий катталик эса 0,18 л/с га бўлди. Кейинчалик, ётиқ зовурлар солиштира узунлигининг 26,4 км/га етказилиши ва 512 га тик зовурларнинг ишга туширилишига қарамасдан ялпи сув олишнинг камайиши ҳисобига зовур модулининг камайиши, бошқа томондан эса курилган зовурлар ишлаш самарадорлигининг пасайиши кузатилди. Агарда 1975-1985 й.й зовур оқимининг қиссаси умумий сув олиш ҳажмининг 31,8-37,5% ини ташкил этган бўлса, 1990-2005 йилларга келиб унинг қиссаси 26,3-28,3 % га тушди. Ҳозирги кунга келиб вилоятнинг жами 505,87 минг га суғориладиган майдонининг 60,68 минг га ерлари табиий зовур билан таъминланган ҳудудларда жойлашган, 151,27 минг га суғориладиган майдонда эса коллектор-зовур тизими курилмаган. Шундай қилиб ҳозирда вилоят суғориладиган ерларининг 58,1 фоизи зах қочириш тармоғи билан таъминланган. Агар табиий зовур билан бирга ҳисобланса, бу катталик 70,1 % ни ташкил этади.

Зовур тизимининг тўлиқ курилмаганлиги ҳисобига Қарши чўлини ўзлаштиришнинг дастлабки йилларида сизот сувлар сатқи 3,8 м дан (1970 й.) 2,3 м гача (1980 й) кўтарилди. 1985 йилга келиб ўртача ва ундан юқори даражада шўрланган ерлар миқдори 121,5 минг га (суғориладиган ерларнинг 28%) га етди. Шу йиллар ичида суғориладиган майдонларга келиб тушаётган туз ҳажми йилига 1676,9 минг т дан 9068,6 минг т га етиб борди. Ниқоят 1985 йилдан бошлаб ҳудудга сув орқали келаётган тузлар миқдори кескин қисқарди, яъни 1990 йилда 5569,9 минг т бўлса, 2000 йилда эса 4774,9 минг т бўлди. Тузларнинг солиштира миқдори ҳам тегишлича 9,5 (1970 й) дан 20,91 т/га (1985 й) кўпайган бўлса, кейинчалик 11,36 дан 9,59 т/га гача пасайди. Ҳозирги кунга келиб суғориш учун ишлатиладиган сув миқдори бироз камайган бўлишига қарамай, тузлар келиши нисбатан юқори, яъни 6309,3

минг т ни ташкил этмоқда.

Тузлар келишининг солиштирма миқдори ҳам 12,47 т/га гача кўтарилган. Бу ҳолатнинг жадал кечишига маълум миқдорда суғориладиган сувлар минерализациясининг ошиши (2000 йилда 9,59 г/л бўлса, 2006 йилга келиб 12,47 г/л га етган) ҳам таъсир кўрсатмоқда. Зовур оқими 2006 йил охирида 1104,54 млн. м³ ни ташкил қилган ҳолда, зовур модулининг ўртача қиймати 0,10 л/с га атрофида бўлди. Зовур орқали чиқиб кетаётган тузлар миқдори 2000 йилга нисбатан бирмунча (14% гача) пасайганлиги кузатилди. Тегишлича уларнинг солиштирма миқдори ҳам 16,73 дан 14,20 т/га гача пасайди. Бунда зовур орқали чиқиб кетаётган сув оқимининг умумий сув оқимига нисбатан қиссаси 2005 йилда 38% бўлса, 2006 йилга келиб яна 33% гача пасайганлиги кузатилди.

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, 2006 йилда умумий сув олиш миқдори 9236,6 м³/га ни ташкил этиб, шундан 4376 м³/га сув умумий зовур оқими кўринишида чиқариб юборилди. Бундан ташқари ер усти ташланма сувлар кўринишида ҳам 30 м³/га сув чиқарилган бўлса, ўсимлик ўзлаштириши (эвапотранспирация) ва ер пастки қатламларига оқиб кетиши ҳисобига 4830 м³/га сув тўғри келади. Суғориш тизими фойдали иш коэффиценти 0,71 эканлиги назарда тутилса, ўзлаштирилган сувнинг 4329,3 м³/га қисми эвапотранспирацияга, ҳолган 1400,7 м³/га сув эса сизот сувларини туйинтиришга сарф бўлган. Агар биз умумий ҳолатда тупроқ эркин ғоваклигининг ўртача миқдорини 22% деб қабул қилсак, у ҳолда бир йил давомида сизот сувлари сатқининг кўтарилиши 0,64 м ни ташкил этади. Оқибатда сизот сувлари ер юзига яқинлашиб, иккиламчи шўрланиш жараёни жадал кечиши кузатилмоқда. Бу жараённинг олдини олиш учун қушимча коллектор-дренаж тармоқларини қуриш, қурилганларини эса реконструкция қилиш лозим. Шу жикатдан қабул қилинган Президентимиз Фармон муҳим аҳамият касб этади. Ташкил этилган махсус Жамғарма томонидан вилоятимиз учун ажратилган маблағлар иккиламчи шўрланишга сабаб бўлувчи омилларнинг олдини олиш ва ерлар унумдорлигини ошириш тадбирларини амалга ошириш мақсадида ишлатилиши режалаштирилган бўлиб, бу тадбирлар мелиорация ва сув хўжалиги соҳаси ходимлари олдига улкан вазифаларни юклайди.